

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

101 Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 12 декабрдаги 350-сон қарорига мувофиқ ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги 8 — 10 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудларига туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари малакали мутахассисларидан 1 нафар ходим бириктирилишини таъминласин.

3. Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2013 йилнинг биринчи чорагида аҳоли ўртасида эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб борсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 12-сон, 35-модда):

1-банд, шунингдек қарорга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

2-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 3-банддаги «16» рақами «14» рақами билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 15 февраль,
44-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва
моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа (кейинги ўринларда болали оилаларга нафақа деб аталади), бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа (кейинги ўринларда бола парвариши бўйича нафақа деб аталади) ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам (кейинги ўринларда моддий ёрдам деб аталади) тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бола парвариши бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш қисмида амал қилиши, корхона ва ташкилотларда ишлаётган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазкур корхона ёки ташкилотлар маблағлари ҳисобидан нафақанинг ушбу тури тўланаётган оналарга татбиқ этилмайди.

3. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдамнинг тўланадиган миқдорлари қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланади.

Агар нафақа ва моддий ёрдам тўлаш кейинги календарь йилга ўтган тақдирда, нафақа ва моддий ёрдам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йил бошига белгиланган миқдорига мувофиқ белгиланади.

Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақа эса — 12 ойга тайинланади, бироқ бола икки ёшга тўлган ойдан кейинги ойга ўтмаслиги керак.

Агар туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган икки ва ундан ортиқ болалар парвариш қилинса, у ҳолда бола парвариши бўйича нафақа кичик бола икки ёшга тўлгунга қадар бир баравар миқдорда тўланади.

4. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — посёлка, қишлоқ ва овул, шунингдек шаҳарларнинг маҳаллалари фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ёки бундай қарорларни қабул қилиш учун фуқаролар йиғини томонидан ваколат берилган Комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фуқаролар йиғини томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида истиқомат қилувчи обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор фуқаролар орасидан сайланади. Комиссияга фуқаролар йиғинининг раиси бошчилик қилади. Комиссия аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йиғини раиси эса — унинг бутун ваколоти даврига сайланади. Ушбу Комиссия таркиби камида 15 кишидан иборат бўлиши керак.

Комиссия аъзоси ваколатларининг амал қилиши даврида аъзоликдан чиққан тақдирда, фуқаролар йиғини Комиссия аъзоларини қайтадан сайлайди.

Комиссия қарори, унинг йиғилишида тасдиқланган таркибнинг камида учдан икки қисми иштирок этса қонуний ҳисобланади.

5. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўйидаги асосий тамойилларга амал қилишлари керак:

ижтимоий адолатга сўзсиз риоя қилиш;

кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш;

давлат томонидан қўллаб-қувватлашсиз даромадларини оширишнинг аниқ имконияти бўлмаган ҳақиқатда эҳтиёжманд оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам бериш;

нафақалар ва моддий ёрдамни манзилли тарзда тайинлашни таъминлаш йўли билан уларни тўлашга ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларига айрим оилалар ва фуқаролар томонидан боқимандалик муносабатида бўлиш, ўзининг иқтисодий фаоллиги ҳисобига эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига яшашга интилишга йўл қўймаслик;

оила аъзоларининг моддий фаровонлиги, болаларни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, маълумоти ва касб даражасини ошириш борасида оиланинг масъулиятини кучайтириш.

6. Фуқаролар йиғини томонидан эҳтиёжманд деб эътироф этилган оила нафақа ёки моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эга.

7. Қўйидагилар болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тўловларини маблағ билан таъминлаш манбалари ҳисобланади:

маҳаллий бюджетлар маблағлари;

бюджетдан ташқари манбалар (жамоат ва хайрия жамғармалари, корхоналарнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари ва бошқалар).

II. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш шартлари

8. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравардан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

9. Қуйидагилар болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олишда устунлик ҳуқуқига эга:

ота-онасининг иккисини ҳам йўқотган, болалар тарбияси билан эса қариндошлар шуғулланаётган оилалар;

ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оилалар;

14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болаларни тарбиялаётган, бошқа қариндошлардан алоҳида яшаётган бева аёллар (бева эрлар);

ногирон боласи (болалари) бўлган оилалар;

болани (болаларни) тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган оналар (оталар). Бунда боланинг амалда тўлиқ бўлмаган оилада она (ота) томонидан тарбияланишини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи белгилайди;

ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш изловчи сифатида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида ҳисобда турган оилалар;

ёлғиз пенсионерлар.

10. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчининг ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилган ойнинг кейинги ойдан бошлаб тўланади.

11. Бола парвариши бўйича нафақани келгусида ҳам олишга муҳтожлиги бўлган тақдирда уни олган шахс тўловларнинг аввалги ўн икки ойлик муддати тугашидан бир ой олдин, бола икки ёшга тўлгунга қадар ушбу нафақани узлуксиз тўланишини давом эттириш масаласини ҳал этиш учун белгиланган тартибда фуқаролар йиғинига такроран мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам тўлашнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг ариза берувчи нафақа ва моддий ёрдам тўлашни янги муддатга давом эттирилишини сўраб ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам олиш учун ариза олдинги даврда тайинланган нафақа ва моддий ёрдам тўлаш муддати тугаётган ойдан кейинги ойга берилади. Такрорий мурожаатларни кўриб чиқиш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

III. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам учун мурожаат қилиш тартиби

12. Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчининг дои-

мий яшаш (рўйхатдан ўтиш) жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оила бошлиғи ёки бошқа муомалага лаёқатли оила аъзосининг ёзма аризаси асосида, бола парвариши бўйича нафақа эса — боланинг онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг аризаси асосида тайинланади.

Алоҳида ҳолларда, оилада муомалага лаёқатли аъзолар бўлмаган тақдирда нафақа ва моддий ёрдам оила аъзоларининг ёзма аризасисиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисининг тақдимномаси бўйича тайинланиши мумкин.

13. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги ариза ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси номига берилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича оиланинг таркиби ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ушбу даромадларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

болали оилаларга нафақа ёки бола парвариши бўйича нафақа олиш учун — болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари нусхалари;

агар болалар васийликка олинган бўлса — васийлик ва ҳомийлик органининг қароридан кўчирма.

Бундан ташқари, моддий ёрдамга эҳтиёжмандлик тўғрисидаги аризага, ариза берувчининг хоҳишига кўра, оиланинг эҳтиёжмандлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

14. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза оила ушбу нафақа ёки моддий ёрдамни олиш истаги бўлган ойдан олдинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай берилади.

15. Нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатдан ўтказиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи котиби томонидан махсус рўйхатга олиш китобига қайд этиш орқали амалга оширилади. Бунда аризани келиб тушиш санаси, ариза берган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш манзили, илтимоснинг қисқача мазмуни ва фуқаролар йиғини томонидан қарор қабул қилингандан кейин баённома санаси ва рақами кўрсатилган ҳолда қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ ариза ҳамда оиланинг даромадлари миқдори ва таркибини тасдиқлайдиган зарур маълумотномалар берилган кун ариза рўйхатдан ўтказилган кун деб ҳисобланади.

IV. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олиш учун аризаларни кўриб чиқиш тартиби

16. Ариза берувчининг эҳтиёжмандлиги даражасини аниқлаш ва болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам та-

йинлаш (рад этиш) тўғрисида хулоса чиқариш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида махсус комиссия ташкил этилади, унинг таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси томонидан 12 ой муддатга, камида 5 кишидан иборат этиб тасдиқланади.

Махсус комиссия таркибига ўзини ўзи бошқариш органи маслаҳатчилари, котиби, ушбу орган ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими, шунингдек зарурият бўлганда, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари ва молия органлари вакиллари киритилади.

Ҳудудда 300 тадан кўп оила яшайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бир неча махсус комиссиялар ташкил этилиши мумкин. Бунда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими ҳар бир комиссияда иштирок этиши шарт.

17. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги ариза уч босқичда кўриб чиқилади.

Биринчи босқичда махсус комиссия ариза берилган санадан бошлаб уч кун муддатда ариза берувчи томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилган маълумотлар асосида оиланинг аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдорини аниқлайди.

Агар оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдори ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган миқдордан кам бўлса, махсус комиссия оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолатини текшириш санасини белгилайди.

Иккинчи босқичда махсус комиссия ариза берилган санадан бошлаб ўн кун муддатда оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолатини ўрганиб чиқади, шундан кейин тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги хулосани фуқаролар йиғинига ёки Комиссияга киритади.

Учинчи босқичда ариза берилган ойнинг охириг кунидан кечикмай, махсус комиссиянинг хулосаси инобатга олинган ҳолда, ариза тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун фуқаролар йиғини ёки Комиссия томонидан кўриб чиқилади.

V. Оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдорини аниқлаш

18. Оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилинган ойдан олдинги охириг уч ой учун ҳисоблаб чиқилган оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромади суммасини оила таркибига киритиладиган оила аъзолари сонига бўлинган ҳолда аниқланади.

19. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олиш учун оила таркибига:

болаларнинг отаси, онаси ёки никоҳдаги ҳар икки ота-онаси (фарзандликка олувчилар);

ота-оналар билан бирга яшайдиган ва уларнинг қармоғида бўлган болалар, шунингдек ота-оналар билан биргаликда яшайдиган ва ўз оилаларига эга бўлмаган 16 ёшдан катта ёшдаги болалар (шу жумладан фарзандликка олинган болалар);

болаларнинг улар билан биргаликда яшайдиган боболари ва бувилари; болаларнинг ота-оналари (фарзандликка олувчилар) билан биргаликда хўжалик юритувчи бошқа шахслар киритилади.

Оиланинг биргаликда яшовчи аъзолари таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан белгиланади.

20. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш учун ўртача ойлик жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда инobatга олинадиган оила таркибига қуйидагилар киритилмайди:

нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилган ота-оналарнинг ака-ука ва опа-сингиллари, агар уларнинг ўз оилалари бўлса;

ота-оналари уларга нисбатан ота-она ҳуқуқларидан маҳрум этилган болалар;

тўлиқ давлат таъминотидаги болалар, шунингдек васийликка (ҳомийликка) олинган болалар;

чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ёхуд ҳарбий таълим муассасасида ўқиётганлиги сабабли оилада бўлмаган ота-она (фарзандликка олувчи);

суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича жазони ижро этиш жойларида эканлиги муносабати билан оилада бўлмаган ота ёки она (фарзандликка олувчи).

21. Агар бир уй хўжалигида (бир почта манзили бўйича) болали икки ва ундан ортиқ оилалар яшаган тақдирда, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олиш учун бир оила таркибига болаларнинг ота-оналари, шунингдек уларнинг боболари ва бувилари ҳамда болаларнинг ота-оналари билан биргаликда хўжалик юритувчи бошқа шахслар, улар нафақа тайинлашда бошқа болали оилада ҳисобга олинмаган бўлса, қабул қилинади.

22. Ўртача ойлик жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинадиган оиланинг жами даромадига, оила аъзолари томонидан олинган қуйидаги даромадлар киритилади:

меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар;

мулкӣ даромадлар;

якка тартибдаги тадбиркорнинг даромади;

чет элда ишлайдиган ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган оила аъзоларидан пул тушумлари суммаси;

пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар (ушбу Низомда назарда тутилган тартибда оила олаётган нафақа ёки моддий ёрдамдан ташқари);

шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинган даромад;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар ҳисобланган сумма бўйича ҳисобга олинади (солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташлангунга қадар).

23. Оиланинг ўртача ойлик жами даромади фуқаролар томонидан ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ тақдим этиладиган оиланинг таркиби ва оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар асосида аниқланади.

24. Агар оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромадлари тўғрисида тақдим этилган маълумотларда даромад суммаси кўрсатилмаган бўлса ёки энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 бараваридан кам сумма кўрсатилган бўлса, у ҳолда оиланинг ўртача ойлик жами даромадини ҳисоблаш учун даромадни нормативдан паст кўрсатган ёки даромади мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаган оила аъзоларининг ҳар бирига нафақа ёки моддий ёрдамга мурожаат қилинган ойда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 бараварига тенг бўлган норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Ушбу қоида:

бола икки ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши билан банд бўлган оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);

таълим муассасаларида ўқиётганларга (меҳнат шартномасига мувофиқ ишларни амалга ошириш ҳоллари бундан мустасно);

ишламайдиган пенсионерларга;

амалда шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритиш билан банд бўлган оила аъзосига;

туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида ишсиз сифатида рўйхатга олинган фуқароларга нисбатан татбиқ этилмайди.

25. Агар тақдим этилган маълумотларда шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинган ўртача ойлик даромад миқдори кўрсатилмаган ёхуд шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинган белгиланган норматив даромаддан паст кўрсатилган бўлса, у ҳолда оиланинг жами даромадини аниқлаш учун шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинган ойлик даромаднинг норматив миқдори қабул қилинади.

Шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинган норматив даромад ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган сотихлар сонини нафақа ёки моддий ёрдам сўраб мурожаат қилинган ойда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 0,2 миқдорига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ер участкаси унумдорлиги объектив шарт-шароитларга кўра (сув билан таъминланмаганлик, тупроқнинг шўрланиши ва бошқалар) юқорида кўрсатилган миқдордаги норматив даромад олиш имконини бермайдиган ёки умуман даромад олиш имконини бермайдиган алоҳида ҳолларда маҳаллий

давлат ҳокимияти органлари норматив даромадга пасайиш томонига тузатиш киритишлари мумкин.

26. Оила даромади ва унинг таркиби ўзгарган тақдирда ариза берувчи шахс бир ойдан кеч бўлмаган муддатда бу ҳақда нафақа ва моддий ёрдам тўлаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

VI. Оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолатини ўрганиш

27. Махсус комиссия ариза берувчининг яшаш жойига чиққан ҳолда оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолатини ўрганиб чиқади.

28. Оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолатини ўрганиш натижаларига кўра махсус комиссия ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолатини ўрганиш далолатномасини тузади.

Далолатномада:

ўрганилаётган оиланинг таркиби;

оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг бандлиги тўғрисидаги маълумотлар;

шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган ер участкаси майдони;

ўрганилаётган оиланинг моддий жиҳатдан таъминланганлиги даражасини баҳолаш;

тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш бўйича хулоса кўрсатилади.

29. Оиланинг моддий ва мулкӣ ҳолатини текшириш натижалари бўйича махсус комиссия болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олишга эҳтиёжманд оилалар рўйхатини шакллантиради ҳамда уларни ушбу календарь оёи тугашидан камида беш кун олдин кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини ёки Комиссияга киритади.

VII. Фуқаролар йиғини томонидан болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш

30. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам тайинлаш ёки уни тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини (Комиссия) томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Агар фуқаролар йиғини иштирокчиларининг (Комиссия аъзоларининг) оддий кўпчилиги қарорни ёқлаб овоз берса у қабул қилинган ҳисобланади.

31. Фуқаролар йиғини (Комиссия) қарори, қоидага кўра, ҳар бир ариза берувчи бўйича алоҳида, унинг иштирокида қабул қилинади. Ариза берувчи узрли сабабга кўра фуқаролар йиғинида (Комиссия йиғилишида) иштирок этмаган тақдирда оиланинг бошқа муомалага лаёқатли аъзоси иштирок этиши шарт. Ариза берувчи ёки ариза берувчи оиласининг бошқа вакили иштирок этмаган тақдирда ушбу оилага тегишли нафақа ёки моддий ёрдам

тайинлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилмайди ва кўриб чиқиш учун кейинги ойга кўчирилади.

Нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида қарор кейинги ойга кўчирилган оилаларга янгидан рўйхатдан ўтиш ва эҳтиёжмандлигини ўрганиш (нафақа ёки моддий ёрдам юзасидан ариза бериш, оила даромадлари ва таркиби тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, даромадлар ва мулкӣ ҳолатни кўшимча равишда ўрганиш) тартиби талаб этилмайди.

32. Қарор қуйидагиларни акс эттирган ҳолда фуқаролар йиғини (Комиссия йиғилиши) баённомаси билан расмийлаштирилади:

ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

очиқ овоз бериш натижалари;

тайинланган нафақа ёки моддий ёрдамнинг тури ва миқдори;

тўловлар бошлангандан ой ва улар тугайдиган ой;

қарор қабул қилинган сана.

Тегишли нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилган тақдирда, ариза берувчига фуқаролар йиғинида (Комиссия йиғилишида) рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда маълум қилинади, бу тўғрида баённомада қайд этилади.

33. Баённома фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланади ва беш кун муддатда ариза берувчига маълум қилинади.

34. Болали оилаларга нафақа тайинланган оилада вояга етмаган болалар сони ўзгарган тақдирда (болалардан бири 14 ёшга тўлган, навбатдаги бола туғилган ва хоказо), нафақа миқдори болаларнинг тегишли сонига эга бўлган оила учун белгиланган миқдорларга мувофиқлаштирилади. Бунда янги миқдор бўйича нафақа тўлаш оилада вояга етмаган болалар сони ўзгарган ойдан кейинги ойдан бошланади. Бу ҳолда нафақа миқдорини қайта кўриб чиқиш бўйича фуқаролар йиғини ёки Комиссия қарори талаб этилмайди.

VIII. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тўлаш

35. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам фуқаролар йиғини ёки Комиссиянинг қарори баённомаси асосида тўланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи котиби ҳар ойда ойнинг охирги кунидан кечикмай, фуқаролар йиғинининг (Комиссиянинг) қарори баённомаси асосида олувчининг фамилияси, паспорт рақами, шунингдек тўланиши керак бўлган суммани кўрсатган ҳолда тегишли нафақа ва моддий ёрдам тўлашга ведомость тузади. Ведомостлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисининг имзоси ва муҳр ҳамда ушбу орган ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимининг имзоси билан тасдиқланади.

Нафақа ва моддий ёрдамнинг ҳар бир тури учун алоҳида уч нусхада ведомостлар тузилади.

36. Белгиланган тартибда тўлдирилган ва тасдиқланган ведомостлар тегишли нафақа ёки моддий ёрдам тайинланган ойнинг 5-санасигача бўлган

муддатда туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг молия бўлимларига (кейинги ўринларда туман (шаҳар) молия бўлимлари деб аталади) юборилади.

Такдим этилган ведомостлар барча уч нусханинг ҳар бир варағига тасдиқловчи имзолар ва тегишли штамп қўйилган ҳолда туман (шаҳар) молия бўлимининг масъул ходими томонидан текширилади.

37. Тайинланган, аммо ўз вақтида талаб қилиб олинмаган (тўланмаган) болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ўтган давр учун бир вақтнинг ўзида тўлиқ миқдорда тўланади.

38. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тўлаш:

тўловнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган;

болалар болали оилаларга нафақа ва бола парвариши бўйича нафақа олиш ҳуқуқини истисно этувчи ёшга тўлган;

бола парвариши бўйича нафақа олувчи она ишга чиққан;

доимий яшаш жойи ўзгарган;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оиланинг ушбу тўловларга эҳтиёжмандлиги йўқлигидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланган;

фуқаролар йиғинининг (Комиссиянинг) тегишли тўловларни тайинлаш тўғрисидаги қарорига таъсир кўрсатган бузилган ва ишончсиз маълумотлар аниқланган ҳолларда тўхтатилади. Ушбу ҳолатда асоссиз тўланган маблағ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли ҳисоб рақамига қайтарилиши керак.

Тўловларни тўхтатиш, тўловнинг белгиланган муддати тугаган ёки болалар тегишли ёшга тўлган ҳоллардан ташқари (бола парвариши бўйича нафақа учун — икки ёш, болали оилаларга нафақа учун — 14 ёш), фуқаролар йиғинининг (Комиссиянинг) тегишли баённомаси билан расмийлаштирилган қарори асосида амалга оширилади.

39. 16 ёшгача (ўқувчилар — 18 ёшгача) болалари бўлган оилаларга 2012 йил 1 декабргача тайинланган болали оилаларга нафақаларни тўлаш 16 ёшгача (ўқувчилар — 18 ёшгача) болалар ҳисобга олинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўловнинг белгиланган муддати тугагунга қадар бутун даврда давом этади.

Тўлови 2013 йилнинг январь ойдан бошланадиган болали оилаларга нафақа миқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади, бунда фақат 14 ёшгача бўлган болалар инobatга олинади.

2012 йилнинг 1 декабригача ва 1 декабридан кейин тайинланган болали оилаларга нафақа миқдори ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ тартибда ҳисоблаб чиқилади.

IX. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби

40. Тегишли нафақалар ва моддий ёрдамни тўлаш Халқ банкининг бўлинмаларида (филиалларида) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари-

нинг махсус банк ҳисоб рақамларига ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг тегишли иқтисодий таснифи бўйича акс эттирилган ҳолда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Нафақа ва моддий ёрдамнинг ҳар бир тури учун алоҳида махсус банк ҳисоб рақамлари очилади.

Халқ банки муассасалари ҳар ойда жорий ойнинг охиригача бўлган муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини махсус банк ҳисоб рақамларидаги қолдиқлар, шу жумладан жорий ой учун, шунингдек ҳисобот йили бошидан бошлаб тушумлар суммалари ва амалга оширилган харажатлар тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

41. Туман (шаҳар) молия бўлими маблағларни ведомостлар бўйича тайинланган суммалар доирасида, бироқ бюджетда назарда тутилганидан ортиқ бўлмаган, нафақалар ва моддий ёрдам тўлашга тегишли бюджетнинг фазначилик шахсий ҳисоб рақамини кўрсатган ҳолда, тўлов амалга ошириладиган ойнинг 5-санасидан бошлаб, бироқ ойнинг 25-санасидан кечикмай ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг махсус ҳисоб рақамларига алоҳида тўлов топшириқномалари орқали Ягона фазначилик ҳисоб рақамидан ўтказилади. Бунда ведомостлар бўйича қисман молиялаштириш тақиқланади.

Маблағларни туман (шаҳар) молия бўлимларининг Ягона фазначилик ҳисоб рақамидан ўтказиш фазначилик бўлинмалари томонидан, белгиланган тартибда амалга оширилади.

42. Ҳар бир нафақа ва моддий ёрдам бўйича ведомостнинг бир нусхаси туман (шаҳар) молия бўлимида қолади. Маблағлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилгандан кейин тасдиқланган ведомостларнинг иккинчи ва учинчи нусхалари молия органлари томонидан тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади.

43. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маблағлар уларнинг ҳисоб рақамларига тушгандан кейин ведомостларнинг иккинчи ва учинчи нусхаларини тўлов топшириқномалари билан бирга нафақани тўлаш учун Халқ банкининг хизмат кўрсатувчи бўлинмаларига (филиалларига) тақдим этилади.

44. Ойнинг охириги иш кунида ведомостлар ёпилади, тайинланган, аммо ўз вақтида талаб қилиб олинмаган нафақа, нафақа олувчининг номига махсус депозит ҳисоб рақамига ўтказилади ва олувчининг биринчи талабига кўра тўланади. Ёпилган ведомостнинг учинчи нусхаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади. Тўлов нафақа ва моддий ёрдам олувчининг яшаш жойи бўйича Халқ банкининг бўлинмалари (филиаллари) томонидан амалга оширилади.

45. Кўзда тутилган бюджет маблағларини вилоятнинг туманлари (шаҳарлари) ўртасида тақсимлаш Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан ҳар бир туман (шаҳар) ҳудудида яшовчи оилалар муҳтожлиги-

ни, ушбу оилаларнинг таркиби ва олдинги даврларда ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши (фойдаланилиши) даражасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

46. Кўзда тутилган бюджет маблағларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларига тақсимлаш туман (шаҳар) молия бўлими томонидан Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан биргаликда эҳтиёжманд оилалар сонини ҳисобга олган ҳолда, молиялаштиришга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, амалга оширилади.

47. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими билан биргаликда ҳар ойда ушбу Низомнинг 7-иловасига мувофиқ болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисида ҳисобот тузилади ҳамда у ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача бўлган муддатда туман (шаҳар) молия бўлимига ва туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилади.

48. Туман (шаҳар) молия бўлимлари ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасигача ҳисоботларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кесимида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига тақдим этадилар, улар ойнинг 20-санасигача ҳисоботларни тегишлича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига тақдим этадилар.

49. Бир йил мобайнида олувчилар томонидан (вафот этганлиги, яшаш жойи ўзгарганлиги ва моддий ёрдам олувчининг айби билан бошқа сабабларга кўра) талаб қилиб олинмаган маблағлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисоб рақамларига тикланиши керак.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларидаги фойдаланилмаган пул маблағлари қолдиғи олиб қўйилмайди ва навбатдаги даврда нафақалар тўлаш учун йўналтирилиши керак.

Х. Яқунловчи қоидалар

50. Ажратиладиган бюджет маблағларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларига тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилиши ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси, шунингдек унинг жойлардаги органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар чоракда текшириш йўли билан амалга оширилади.

51. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлашнинг асосланганлигини назорат қилиш ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимига назорат функцияларидан ташқари:

эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш, уларга болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш бўйича ишларни ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига кўмаклашиш;

хужжатларни расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

заруриятга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисининг мурожаати бўйича, ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ ариза берувчилар томонидан тақдим этилган оиланинг таркиби ва оила аъзоларининг даромади тўғрисидаги маълумотларни жойлашган жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига мурожаат қилиш йўли билан текшириш;

фуқаролар йиғини ёки Комиссия қарори ушбу Низом билан белгиланган нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартибига мувофиқ бўлмаган тақдирда унинг юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш юкланади.

52. Шахсий жавобгарлик:

бюджет маблағларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларига тўлиқ ва ўз вақтида ажратилиши учун — туман (шаҳар) молия бўлими раҳбари зиммасига юкланади;


фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартиби ижро этилишини таъминлаш ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги учун — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси зиммасига юкланади;

нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашнинг белгиланган тартибига риоя этилиши назоратини таъминлаш учун — ушбу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг ходими зиммасига юкланади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи махсус ҳисоб рақамларидан маблағларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш учун — Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлинмаси (филиали) раҳбари зиммасига юкланади.

Низомга
1-ИЛОВА

**Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича
нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш
СХЕМАСИ**



Низомга
2-ИЛОВА

_____ вилояти

_____ тумани

(фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг номи)

фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органи раисига

манзилида яшайдиган

_____ дан

(ариза берувчининг Ф.И.О.)

АРИЗА

Сиздан менинг оиламга _____

(сўралаётган нафақа ёки моддий ёрдамнинг номи)

тайинлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишингизни сўрайман.

Менинг оилам: _____

(муурожаатнинг сабаби кўрсатилади)

_____ сабабли
ушбу нафақага (моддий ёрдамга) мухтож.

Аризага қуйидагиларни илова қиламан:

Оиламнинг таркиби ва _____дан _____ гача бўлган даврдаги
даромадлари тўғрисидаги маълумотлар;

Болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари нусхалари;

Бошқа ҳужжатлар: _____

Муурожаат қилувчининг имзоси: _____

Сана: 20__ йил «__» _____

Аризани рўйхатдан ўтказди

_____ (аризани қабул қилиб олган шахснинг Ф.И.О.)

Сана: 20__ йил «__» _____

№ _____

Низомга
3-ИЛОВА**Оила аъзоларининг таркиби ва даромадлари тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

(аризага илова)

20__ йил «__» _____

Ариза берувчининг Ф.И.О: _____

Уй манзили: _____

1. Оиланинг таркиби:

| Оиланинг ҳар бир аъзосининг фамилияси, исми ва отасининг исми | Туғилган йили, куни, ойи | Ариза берилган вақтдаги иш, ўқиш ёки бошқа фаолият жойи |
|---|--------------------------|---|
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

2. Оила аъзоларининг _____ дан _____ гача ойлар давридаги даромади:

| Даромад олувчининг Ф.И.О. | Даромад миқдори, сўм | | | |
|---------------------------|------------------------|------------------------|-----------------------|------------------------|
| | даврнинг биринчи ойида | даврнинг иккинчи ойида | даврнинг учинчи ойида | уч ойдаги жами даромад |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

3. Оиланинг шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалиги юритиш учун _____ сотих ер участкаси мавжуд, оила ундан ўртача ойлик _____ сўм миқдоридан даромад олди.

Маълумотларни берган шахснинг имзоси: _____

Сана: 20__ йил «__» _____

Низомга
4-ИЛОВА

**Оиланинг шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалиги
юритишдан оладиган норматив даромадини ҳисоблаш
МЕТОДИКАСИ**

1. Махсус комиссия томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотлари асосида оиланинг шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалиги юритиш учун фойдаланадиган ер участкасининг майдони сотихларда аниқланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалиги юритиш учун фойдаланадиган ер участкаси майдони тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаганда, Махсус комиссия ушбу ер участкасини ўлчовини амалга оширади.

Оиланинг шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалиги юритишдан оладиган норматив даромадини ҳисоблашда уй-жой бинолари ва ёрдамчи хўжалик иморатлари жойлашган ер майдонларидан ташқари, барча ерлар, шу жумладан фойдаланилмаётган ерлар ҳам ҳисобга олинади.

2. Оиланинг шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалиги юритишдан оладиган ўртача ойлик норматив даромади қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{НД} = \text{Ма (сот)} * 0,2 * \text{ЭОХ}, \text{ бунда:}$$

НД — шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалиги юритишдан олинган ўртача ойлик норматив даромад;

Ма (сот) — ер участкасининг сотихлардаги майдони;

0,2 — бир сотихдан олинандиган норматив даромадни акс эттирувчи коэффициент;

ЭОХ — норматив даромадни аниқлаш ойидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори.

3. *Шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалиги юритишдан олинган норматив даромадни аниқлаш ҳисоб-китобига мисол:*

Оилада деҳқон хўжалиги юритиш учун 10 сотих ер участкаси мавжуд. Норматив даромадни аниқлаш ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори 79 590 сўмни ташкил этади.

Оиланинг шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалиги юритишдан оладиган ўртача ойлик норматив даромади: 10 сотих х 0,2 х 79590 сўм = 159180 сўмни ташкил этади.

Низомга
5-ИЛОВА

Оиланинг моддий ва мулкый ҳолатини ўрганиш ДАЛОЛАТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ фаолият юритувчи

_____ (комиссия аъзоларининг Ф.И.О.)

_____ дан иборат таркибдаги Махсус комиссия,
_____ манзилида яшовчи:

(яшайдиган манзили)

фуқаро _____
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

оиласининг моддий ва мулкый ҳолатини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни аниқлади:

1. Фуқаро _____нинг оиласи _____ нафардан иборат, шу жумладан:

- 2 ёшгача бўлган болалар — _____ киши;
- 14 ёшгача бўлган болалар — _____ киши;
- 14 ёшдан катта болалар — _____ киши;
- оиланинг меҳнатга лаёқатли, вояга етган аъзолари — _____ киши,

улардан:

- таълим муассасаларининг ўқувчилари (талабалари) — _____ киши;
- бандлиги таъминланганлар — _____ киши;
- доимий иш жойига эга бўлмаганлар — _____ киши;
- ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказилганлар _____ киши;
- 2 ёшгача болалари бор оналар _____ киши;
- пенсионерлар — _____ киши.

2. Шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалиги юритиш учун _____ сотих ер участкаси мавжуд.

3. Оиланинг моддий таъминланганлик даражаси (керагининг остига чизилсин):

«жуда паст», «паст», «ўртача», «юқори».

Моддий таъминланганлик даражасини ушбу тарзда баҳолашнинг сабаблари кўрсатилсин:

4. Комиссия тавсияси: фуқаро _____ га
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

20__ йил _____ дан бошлаб _____ тайинлансин / рад этилсин.
(тўловнинг бошланиш оyi) (нафақа, моддий ёрдам номи)

Комиссия аъзолари имзоси:

Ўрганиш ўтказилган сана:

20__ йил «__» _____

Низомга
6-ИЛОВА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан болали оилаларга 2012 йилнинг 1 декабригача ва 1 декабридан кейин тайинланган нафақаларнинг миқдорини аниқлаш ТАРТИБИ

1-мисол. 8, 12 ва 17 ёшдаги 3 нафар болали оиллага нафақа 2012 йил сентябрда энг кам ойлик иш ҳақининг 140 фоизи миқдорида (тўлов 2012 йил октябрдан бошланган) 6 ой муддатга (2013 йил март оyi охиригача) тайинланган. 2012 йил октябрь-декабрь ойлари мобайнидаги нафақа миқдори тўлов ойидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 140 фоизини ташкил қилади, 2013 йил январь — март ойлари учун эса ушбу оиллага 2013 йил бошидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 120 фоизи миқдорида нафақа тўланади.

2-мисол. 8, 12 ва 17 ёшдаги 3 нафар болали оиллага нафақа 2012 йил декабрда тайинланган (тўлов 2013 йил январдан бошланган). Тўловнинг бутун даври (январь — июнь) учун тўланадиган нафақа миқдори 2013 йил бошидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 80 фоизини ташкил қилади, яъни нафақа миқдорини аниқлашда фақат 14 ёшгача бўлган болалар ҳисобга олиниши керак.

Низомга
7-ИЛОВА

**Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий
ёрдам тўлашга пул маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида
ҲИСОБОТ**

20 ____ йил _____ учун

_____ тумани (шаҳри) _____ раисининг Ф.И.О. _____
(туман, шаҳарнинг номи) (ўзини ўзи бошқариш органи номи)

| Т/р | Кўрсаткичнинг номи | Ўлчов бирлиги | Болали оилаларга нафақа | | Болани парвариш қилиш бўйича нафақа | | Моддий ёрдам | | Ҳаммаси | |
|------|---|------------------|----------------------------|----------------|--|----------------|------------------------|----------------|------------------------|----------------|
| | | | ҳисобот ойи учун | йил бошидан | ҳисобот ойи учун | йил бошидан | ҳисобот ойи учун | йил бошидан | ҳисобот ойи учун | йил бошидан |
| 1. | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари махсус ҳисоб рақамларига ўтказилган пул маблағлари суммаси | сўм | | | | | | | | |
| 2. | Тайинланган нафақаларнинг ведомость бўйича суммаси | сўм | | | | | | | | |
| 3. | Ушбу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида яшайдиган 14 ёшгача болали оилаларнинг сони | та | | x | x | x | x | x | | x |
| | Ушбу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида яшайдиган 2 ёшгача болали оналар сони | та | x | x | | x | x | x | | x |
| | Ушбу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида яшайдиган оилалар сони | та | x | x | x | x | | x | | x |
| 4. | Кўриб чиқилган аризалар сони | та | | | | | | | | |
| 4.1. | Шу жумладан, нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш рад этилган аризалар сони | та | | | | | | | | |
| 5. | Нафақалар ва моддий ёрдам тайинланган аризалар сони | та | | | | | | | | |
| | Тўловлар биринчи марга тайинланган оилалар сони | та | | | | | | | | |
| | Тўловлар иккинчи марга тайинланган оилалар сони | та | | | x | x | | | | |
| 6. | Ведомость бўйича нафақа ва моддий ёрдам оладиган оилалар сони | та | | x | | x | | x | | x |
| | шу жумладан: | | | | | | | | | |
| 6.1. | — бир нафар болали | та | | x | x | x | x | x | | x |
| 6.2. | — икки нафар болали | та | | x | x | x | x | x | | x |
| 6.3. | — уч нафар ва ундан кўп болали | та | | x | x | x | x | x | | x |

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси.
Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш маркази ходими.

М.Ў.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 8-сон, 40-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 25 январдаги 33-сон қарорига илованинг I, II ва III бўлимлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 5-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 19 мартдаги ПФ–3864-сон Фармони)» 2007 йил 30 апрелдаги 87-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 4-сон, 23-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ–616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2007 йил 8 майдаги 95-сон қарорига 2-илова 5-бандининг «б» кичик банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 25-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 29 декабрдаги ПФ–4158-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон қарори)» 2010 йил 17 февралдаги 22-сон қарорига илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 8-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сон қарорлари)» 2010 йил 24 мартдаги 52-сон қарорига 1-илованинг 9 ва 11-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 3-сон, 12-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий нафақалар тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда оилаларнинг жами даромадлари янада тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш тўғрисида» 2012 йил 7 июндаги 165-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 6-сон, 40-модда).